

## Ҳадис дарслари (31-дарс) Имом Насайй



13:50 / 01.05.2019 6722

Имом, ҳофиз, шайхулислом Аҳмад ибн Шуъайб ибн Али ибн Синон ибн Баҳр ибн Динор Абу Абдуллоҳ Хуросоний Насайй ҳижратнинг 215 йилида Хуросоннинг шаҳарларидан бири бўлган Нисода дунёга келдилар.

Бу зот китоби «Саҳиҳ» деб тан олинган олти Имомнинг бири эдилар. Асҳоби ҳадислар ичида асллар аҳлининг имоми ва пешқадами эдилар. Ёшлари ўн бешга етганда Қутайба ибн Саъид ал-Балхийнинг ҳузурларига бориб, бир йилу икки ой давомида ҳадис эшитадилар.

Имом Насайй илм талаб қилиб, Хуросон, Ҳижоз, Миср, Ироқ, Арабистон ярим ороли, Шом каби юртларни кезиб чиқдилар. Сўнгра Мисрда «ал-Қанадийл» номли машҳур китоб бозори бўлган тор кўчада яшадилар. Бу

зотнинг ҳузурларига ҳадис эшитиш учун ҳуффошлар ташриф буюришар эди. Ўша вақтларда бу кишига тенг келадиган киши топилмас эди. Дора Қутний у зотнинг сифатларини зикр қилиб, шундай дейдилар: «Абу Абдураҳмон ҳадис илмида эсга олинганларнинг муқаддами эдилар». Ибн ал-Асийр «Жомиъул-Усул» китобида: «Насайи Шофеъий мазҳабида эдилар ва Шофеъий мазҳабида «Ҳаж» китоблари бор. У киши тақволи, талабчан бўлиб, Довуд пайғамбарнинг рўзасида давомли эдилар», деб айтадилар. Бу зот ровийларни ўз вақтида жароҳатлаб, ўз вақтида таъдил этар эдилар. Шунинг учун жарҳ ва таъдиллари уламолар орасида эътиборлидир.

Имом Насайи таълиф этган китоблар қуйидагилардан иборат: «Сунанул-кубро вас-суғро», «Хасоису фий фазли Али ибн Абу Толиб ва оли байт», «Китобуз-зуафо вал матрукийн», «Маносику Насайи», «Жамъу муснад Молик ибн Анас ва муснад Али ибн Абу Толиб».

Имом Насайининг «Сунанул-кубро» китоблари аввалига кўпгина заиф ҳадисларни ҳам ўз ичига олган эди. Кейин эса заиф ҳадисларни олиб ташлаб, саҳиҳларини қолдирганлар ва бу китобларини «Ал-Мужтабо» деб номлаганлар. Мазкур китоб бизнинг вақтимизгача етиб келган.

Имом Насайининг «Ал-Мужтабо»ни ёзишларига сабаб, у киши «Ас-Сунанул-Кубро» китобини ёзгач, Рамла деган жойнинг амирига тақдим қилганларида, амир: «Бунинг ҳаммаси саҳиҳми?» деб сўраган. Имом: «Бунда саҳиҳ ҳам, ҳасан ҳам бор», дедилар. Шунда амир саҳиҳларини ажратишни сўради. Шу муносабат билан Имом Насайи «Ас-Сунанул-Кубро» китобларидан саҳиҳ ҳадисларни танлаб, «Ал-Мужтабо» ёки «Ас-Сунанус-суғро» деб номланган китобни ёздилар.

Бу китоб олти «Саҳиҳ» деб номланган китобнинг биридир. У биринчи марта 1256 ҳижрий санада Ҳиндистонда чоп этилган ва энг ишончли ҳадис китобларидан ҳамда ҳадис уламолари тарафидан заиф ҳадислари энг кам ва мажруҳ кишилари йўқ китоблардан деб тан олинган. Бу жиҳатларга кўра ушбу китоб Абу Довуд ва Термизийнинг ҳадисларига ыйёсланади. Шунингдек, бу китоб ҳадисларни бир ўриндагина келтиришга, зарурат туғилгандагина бошқа жойда ривоят қилишга эҳтимом қилади. Шу билан бирга, ҳадислардан фикҳ ҳукмларини, иллатлари баёни билан чиқаришга эътибор беради.

Имом Насайининг китобларига кўплаб шарҳлар ёзилган. Бу зотнинг устозлари эса қуйидагилардир: Аҳмад ибн Абдата аз-Зоббйи, Аҳмад ибн Манийц, Башир ибн Муъоз ал-Ақдий, Ҳасан ибн Сабоҳ, Муҳаммад ибн

Исмоил ибн Айла Димашқий, Муҳаммад ибн Аббон ал-Балхий, Али ибн Ҳожар, Амр ибн Зирората ал-Калбий, Ийсо ибн Муҳаммад ар-Рамлий, Муҳаммад ибн Ҳошим ал-Баълабаккий, Исҳоқ ибн Шоҳийн, Қутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Иброҳим, Исҳоқ ибн Мансур, Исҳоқ ибн Мусо ал-Ансорий, Иброҳим ибн Саъид ал-Жавҳарий, Иброҳим ал-Жавжоний, Ийсо ибн Ҳаммод, Ҳишом ибн Аммор ва бошқалардир.

Имом Насайидан Аҳмад ибн Умайр ибн Жавсо, Муҳаммад ибн Жацфар ибн Маллаас, Абулқосим ибн Абул Ақиб, Абул Маймун ибн Рашид, Абу Али ат-Табароний, Абу Жаъфар ат-Таҳовий ва бошқалар ривоят қилишган.

Муҳаммад ибн Мусо ал-Маъмуний айтадилар: «Имом Насайи Абу Бакр ва Умар ибн Ҳаттоб розияллоҳу анҳунинг фазилатларини кўйиб, Али розияллоҳу анҳунинг фазилатлари ҳақида «Ал-Ҳасоис» китобини ёзди, деб, уни қабул қилмай, инкор қилаётган қавмни кўрдим. Бу ҳақда Имом Насайига айтганимда шундай дедилар: «Димашққа кириб, Али розияллоҳу анҳудан узоқлашганларнинг кўпайганини кўриб, «Ал-Ҳасоис» китобини тасниф қилдим ва Аллоҳдан уларни ҳидоятга бошлашини умид қилдим».

Бу зот таваллуд топган Нисо шаҳри ҳақида маълумот: Шаҳарнинг Нисо деб аталишига сабаб, фотиҳлар Хуросонни фатҳ этишганда шаҳарнинг эркалари қочиб кетишган экан. Мусулмонлар шаҳарда эркак зотини топа олмай, уни ташлаб ўтиб кетишган экан. Шу сабабли у Нисо («Аёллар») шаҳри, деб аталган экан. У ҳозирги Туркменистон ерларида жойлашган шаҳардир. Бу ердан Имом Насайидан ташқари Абу Аҳмад Ҳомид Зинжавий ал-Аздий каби катта олимлар ҳам чиққан.

Имом Насайи ҳижратнинг 303 йили Маккада шаҳид бўлдилар ва Сафо-Марва орасига дафн этилдилар.

Шайх Носиф мазкур беш имомдан бошқа бир неча энг машҳур муҳаддисларнинг китобларидан ҳам ҳадислар келтирган. Биз уларнинг ҳам таржимаи ҳолларини қисқача баён этамиз.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**